Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши

ҚАРОРИ

2019 йил “27” июль 42/4-сон Гулистон ш.

“Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш йўли билан янгидан маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда), “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунлари (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда, 35-сон, 914-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда)га мувофиқ, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Қонуннинг 6, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси **қарор қилади:**

1. “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинини учга бўлиш йўли билан янгидан маҳаллалар фуқаролар йиғинларини тузиш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ном бериш тўғрисидаги “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинининг илтимосномаси ҳамда шаҳар ҳокими томонидан киритилган таклифи маъқуллансин.

2. “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди ва аҳоли пунктлари учга бўлиниб, янгитдан ташкил этилаётган махаллаларнинг чегаралари ва худудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фаолият кўрсатаётган “Баҳор” махалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, янгидан тузилган маҳаллаларга “Ибратли” ҳамда “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинлари номлари берилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Б.Хатамов) “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш йўли билан янгидан ташкил этилаётган “Ибратли” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинига иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан белгиланган меъёрда штат бирликлари ажратсин.

5. Шаҳар статистика бўлими (С.Хаитмаматов) ушбу қарорга мувофиқ аҳоли пунктларининг статистик кўрсаткичларига икки ҳафта муддатда зарур ўзгартиришлар киритсин.

6. Қарордан нусха географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоят комиссиясига маълумот учун юборилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Комилов) ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши (Ш.Муҳаммадиев) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Т.Дадабаев**